

**МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ “МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ”  
АСАРИ ТАҲЛИЛИ**

**Абдуллаев Абдукарим**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистранти  
Тошкент шаҳар, Абдулла Қодирий кўчаси 11-уй

**Аннотация.** Ушбу мақолада Маҳмуд Замахшарий илмий меросидан энг аҳамиятлиси ҳисобланадиган “Муқаддамату-л-адаб” (Адаб илми муқаддимаси) асари таҳлил қилинган.

**Калит сўз:** Маҳмуд Замахшарий, Муқаддамату-л-адаб, аллома, лугатшунослик, Китоб-ул-айн.

Қадимиј Хоразм воҳасидан жаҳон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган муборак зотлардан бири ўзбек халқининг фахри, ифтихори, адабиётшунос, тилшунос адиб Маҳмуд Замахшарийдир. Унинг асарлари мазмун жиҳатдан илм-фаннынг кўпгина соҳаларини қамраб олган. Замахшарий ижодида диний илмлар ва лугатшунослик, грамматика, аruz, адабиёт, мантиқ, ҳуқушунослик соҳалари асосий ўрин эгаллайди.

Улуғ аллома Маҳмуд Замахшарий илмий меросида “Муқаддамату-л-адаб” (Адаб илми муқаддимаси) асари алоҳида илмий аҳамиятга эга. Ушбу асар кўптилли шарқ лугатшунослигининг илк манбаси ҳисобланади. Унинг арабча-форсча-ўзбекча уч тилли, арабча-форсча-ўзбекча-мӯғулча тўрт тилли қадимиј қўлёзмалари бор. “Муқаддамату-л-адаб” хоразмшоҳ Алоуддавла Абулмузаффар Отсизга бағишиланган. Мазкур асар араб тили учунгина эмас, балки бошқа тиллар учун ҳам муҳимдир. Бу асар беш қисмдан иборат бўлиб, биринчисида исм туркумига кирувчи сўзлар, иккинчисида феъллар, учинчисида кўмакчилар, тўртинчисида исмларнинг турланиши, бешинчисида феъл тусланиши берилган. Арабча сўзларнинг остида форсча, баъзиларида туркий, ҳатто мўғулча таржималари ҳам берилган.

Ушбу асарнинг муаллиф ўз қўли билан ёзган нодир нусхаси Техрон миллий кутубхонасида сақланади.

Муҳим манба сифатидаги бу асар 1706 йилда усмонли турк тилига, сўнгроқ француз-немис тилларига таржима қилинган. Париж, Лейпциг, Вена, Лейден, Қозон, Норвегия, Миср ва ҳиндистонда бир неча маротаба нашр этилган. Асарнинг чигатой тилига қилинган таржимаси ўзбек тили тарихини ўрганувчилар учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳақда машҳур ёзувчи Садриддин Айний ҳам 1921 йили “Мөхнаткашлар товуши” газетасидаги мақоласида: “Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асари ўзбек тили учун бутун дунёning хазинаси билан баробардир”, деб ёзган эди.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқида араб адабий тилини китобий ва маданий тил сифатида шаклланиши, араб адабиётининг шиддат билан ривожланиши лугатлар

тузиш эҳтиёжини туғдирди. Араб тилининг илмий тил сифатида қўлланилиши, ёзма тилнинг муайян меъёрларини сақлаб туриш, шунингдек, диалектларни аниқлаш, араб тилининг ёзма ва оғзаки вариантларини бир-биридан фарқлаш эҳтиёжи араб луғатшунослигининг эрта шаклланишини тақозо этди. Тез суръатларда ривожланаётган араб луғатшунослигида турли хил луғатлар тузила бошланди. Уларни олимлар бир неча гурухларга ажратадилар: тавсифий, мавзувий, изоҳли, икки тилли, синонимлар, кам қўлланиладиган сўзлар, ўзлашма сўзлар, қофиялар, терминологик луғатлар. Тузилиш жиҳатидан араб луғатлари сўзларнинг жойлашиш принципига қараб фарқланади. Уларни уч гурухга бўлиш мумкин. Биринчи гурухга фонетик принцип асосида тузилган луғатлар киради. Бундай луғатларда сўзлар ундаги ўзак ундошларнинг талаффуз ўрнига қараб қўйидагича жойлаширилади:

- 1) бўғиз товушлар (ح, خ, ء);
- 2) чуқур тилорқа товушлар (غ, ق);
- 3) тилорқа товушлар (ك);
- 4) тилолди товушлар (ن, ل, ظ, ض, ص, ش, س, ز, ر, د, ج, ت);
- 5) тишора товушлари (ذ, ذ);
- 6) лаб-тиш товушлари (ف);
- 7) лаб-лаб товушлари (ب, م, و).

Бу луғатларда сўз ўзагидаги ундош ҳарфлар сони ҳисобга олинади. Дастреб икки, кейин уч, сўнгра тўрт ва беш ўзак ундошли сўзлар келтирилади.

Иккинчи гурухга сўзнинг биринчи ўзак ундошига қўра алифбо тартибида жойлаширилган луғатларни киритиш мумкин.

Учинчи гурухга сўзнинг охирги биринчи ўзак ундошига қараб алифбо тартибида тузилган луғатлар киради.

Араб луғатшунослигининг вужудга келиши Қуръон лексикасини ўрганиш билан боғлиқ. Қуръондаги сўзларни жамлаш, улар асосида луғатлар яратиш хижрий иккинчи асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлган. Улар «Ғариб-ул-Қуръон», яъни «Қуръоннинг сўз бойлиги» деб номланган. Ҳижрий учинчи асрда мазкур соҳада бир қатор луғатлар яратилди. Кейинчалик «Ғариб-ул-ҳадис», яъни «Ҳадиснинг сўз бойлиги» номли луғатлар яратила бошланди. Қуръон ва ҳадислар лексикасига бўлган қизиқиши араб адабий тилига бўлган эътиборни кучайтирди. Бу эса араб луғатшунослигида адабий тилининг турли қатламларини ўз ичига олган бошқа хилдаги луғатларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Кам ишлатиладиган ва эскирган сўзлар луғати тузилди. Кейинчалик маълум бир тушунчага оид сўз ва ибораларни қамраб олган мавзувий луғатлар яратилди. Бу соҳада мукаммал асарлар ёзган муаллифлар сирасига ал-Асмоий, Абу Зайд ал-Анзорий, ибн ас-Сиккит, ибн Сидаларни киритиш мумкин.

Араб луғатшунослигида яратилган дастребки изоҳли луғат Ҳалил ибн Аҳмаднинг «Китоб-ул-айн» асари ҳисобланади. Араб адабий тилининг луғат бойлигини тўлалигича кўрсатиш мақсадида луғатда кам учрайтидан ва тушуниш

қийин бўлган сўзлар жамланган. Луғат фонетик принцип асосида тузилган бўлиб, унда ўзак ва унинг турлари ҳақидаги таълимот ишлаб чиқилган.

Иккинчи усул, яъни сўзларни уларнинг биринчи ўзак ундошига қараб алифбо тартибида бериш усулида яратилган луғатлар сирасига ибн Фориснинг «Китоб-ул-мужмал» ва «Китоб-ул-мақоис» номли луғатлари киради. Бу луғатларда изоҳланаётган сўзлар биринчи ўзак ундошига кўра алифбо тартибида жойлаштирилган.

Учинчи усул, яъни луғат мақолаларни сўзларнинг аввал охирги ўзак ундошини, сўнгра биринчи, ундан кейин ўрта ўзак ундошини ҳисобга олган ҳолда алифбо тартибида бериш усулида кўплаб луғатлар яратилган.

В.М.Белкиннинг «Арабская лексикология» китобида келтирилган схема бўйича луғатдаги сўзларнинг жойлашиши қуйидаги кўринишга эга:

- 1) ўзаги уч ундошдан иборат сўзларда - Ў<sup>3</sup>Ў<sup>1</sup>Ў<sup>2</sup>;
- 2) ўзаги тўрт ундошдан иборат сўзларда - Ў<sup>4</sup>Ў<sup>1</sup>Ў<sup>2</sup>Ў<sup>3\*</sup>.

Ал-Жавҳарийнинг «Тож-ул-луға ва сиҳаҳ-ул-арабиййа», ибн Манзурнинг «Лисон-ул-араб», Ферузбодийнинг «ал-Қомус-ул-муҳит» каби луғатлари шу усулда яратилган.

“Муқаддамату-л-адаб” маданиятимиз, илм-фан ва маънавиятимизнинг жуда кўп соҳалари бўйича етарли, илмий асосланган маълумотлар беради. Асар муқаддима билан бошланиб, асосий беш қисм - исмлар, феъллар, ҳарфлар (ёрдамчи сўзлар), исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланиши каби қисмлардан иборат. Муқаддимадаги Хоразмшоҳ Алоуддавла Абулмузаффар Отсиз шахсияти, унинг фаолияти ҳақидаги чизгилар қимматли илмий аҳамиятга эга.

Мазкур асар давр талаби билан яратилган. Бу вақтга келиб бу каби қомусий асарга муҳтоҷлик сезилган ва Хоразмшоҳ Отсиз юксак илмий савиядаги асар ёзишни ўз даврининг алломаси Маҳмуд Замахшарийга юклаган.

Асарнинг биринчи қисми исмлардан иборат бўлиб, унга 6250 та сўз киритилган. Улар 18 боб, 78 фаслга жамланган. Ушбу сўзлар бутун ер юзидаги маҳлуқотлар номларидан иборат.

Иккинчи қисм феълларга бағишлиланган. Мазкур қисм 6934 та феъл ҳамда 1716 та масдар ва сифатдошдан иборат. Араб тилидаги феъллар сўзлиги араб тили грамматикаси қоидалари асосида юксак даражада илмий жиҳатдан мукаммал тузилган.

Китобнинг учинчи қисми араб тилидаги ёрдамчи сўзлар туркумига бағишлиланган бўлиб, араб тилидаги қўмакчилар, боғловчилар, юкламалар, турли олд қўшимчалар изоҳланган. Унинг тўртинчи қисми исмларнинг турланишига оидdir. Мазкур қисмда араб тилидаги исм туркумига кирувчи сўзлар билан боғлиқ барча грамматик ҳолатлар батафсил ёритилган.

Асарнинг бешинчи қисми феъллар туркумига бағишлиланган. Унда араб тилидаги феълларнинг тусланиши, улардан ясалувчи масдар ва сифатдош шакллари, замон ҳамда макон мазмунидаги исмлар ҳақида тўлиқ маълумот берилган.

“Муқаддамату-л-адаб” нинг ҳар бир қисми тугал асарлардек бисмиллаҳ билан бошланган ва хотима билан тугаган. Бу қисмлар мукаммал асарлар талабларига тўлиқ

жавоб беради. Шу сабабли уларнинг ҳар бири давр ўтиши билан мустақил асарлар сифатида шаклланган ва кенг тарқалиб, шухрат топган.

Асарнинг илмий етуклиги, амалий қулайлиги сабабли давр унинг кўплаб нусхаларда бўлишини тақозо қилган. Шу боис, асар қўплаб қўлёзма нусхаларда, турли географик худудларда, маълум мақсадларда китобат қилинган.

“Муқаддамату-л-адаб” турли халқлар орасида дастуруламал вазифасини ўтаган. Шу сабабли, асарнинг икки тилли – арабча-форсча, арабча-туркий, арабча-хоразмча, уч тилли – арабча-форсча-туркий, тўрт тилли – арабча-форсча-туркий-муғулий сўзлик киритилган қўлёзмалари яратилган. Маънавий меросимиз тарихида бундай асарлар кам учрайди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ҳакимжонов М. Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асаридаги арабча-туркийча сўзликнинг лексико-графк таҳлили (“Ислар”): Filol.fan. ном. ... дис. автореф. - Ташкент, 1994.
2. Исломов З. Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асаридаги туркий феъллар таҳлили Филол. фан. ном. ... дис. - Ташкент, - 1993.
3. Исломов З. “Муқаддамату-л-адаб” ҳақида//Шарқ машъали. - 1996.